



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 16 » mart

№ 156

Toshkent sh.

Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ;

Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловаға мувофиқ;

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни ҳисоб рўйхатига олиш тартиби тўғрисида низом 3-иловаға мувофиқ;

Нотариал округдаги нотариуслар лавозимларининг энг кам сонини белгилаш тартиби тўғрисида низом 4-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ундириладиган давлат божи қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи – туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига;

10 фоизи – бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга;

10 фоизи – хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг банкдаги ҳисобварағига ҳамда тегишлича адлия органларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида жамлаш йўли билан давлат нотариал идоралари ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивларни (кейинги ўринларда идоравий нотариал архивлар деб аталади) молиялаштиришга йўналтирилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг мурожаатларига кўра нотариал ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ундириладиган давлат божининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига келиб тушадиган қисмини 10 фоизгача камайтириш орқали давлат божининг 20 фоизгача бўлган

қисмини ўзини ўзи молиялаштириш имконияти мавжуд бўлмаган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар тасарруфида қолдириш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига:

ушбу қарорнинг 2-банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг даромад ва харажатлари ўртасидаги салбий тафовутни қоплаш учун йўналтириш;

нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларини Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

давлат нотариал идоралари томонидан нотариал ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ундириладиган давлат божларининг адлия органлари шахсий газна ҳисобварағига тушадиган маблағларнинг бир қисмини нотариал идоралар ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини такомиллаштириш тадбирларини молиялаштиришга, шунингдек нотариал идоралар ва идоравий нотариал архивлар таъминоти учун айрим минтақалар ўз маблағларининг етишмаган қисмини қоплашга мақсадли йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида жамлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар:

а) давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

нотариал ҳаракатларни амалга оширилганлик учун ундириладиган давлат божидан ажратмалар;

ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун олинадиган тўловлар;

идоравий нотариал архивлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга нотариал тасдиқланган ҳужжатлар дубликатларини, реестрлардан кўчирмаларни, шунингдек маълумотномаларни ва архив ҳужжатларининг нусхаларини берганлик учун тўловлар;

герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг бир қисми;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар;

б) хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божи суммасининг хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда қоладиган қисми;

ҳуқукий ва техник тусдаги кўшимча ҳаракатларни амалга оширганлик, шунингдек, нотариатнинг фаол модели доирасида хизматларни кўрсатганлик учун олинадиган тўловлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

давлат нотариал идоралари нотариусларини танлов асосида тайинлаш тартиби сақлаб қолинади;

фаолият юритаётган давлат нотариал идоралари нотариусларига хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар фақатгина уларнинг аризасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тўғридан-тўғри расмийлаштириб берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда ўн беш кун муддатда:

мазкур қарор билан тасдиқланган давлат хизматлари кўрсатиш бўйича маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда ваколатли органнинг электрон шаклда офертани йўллаши ва ариза берувчи уни акцептлаши йўли билан лицензия шартномасини тузишнинг техник имкониятини яратсин;

ЯИДХПда давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларни кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат нотариал идораларини босқичма-босқич тугатилишини ҳамда улардан тегишли материаллар ва архивларни идоравий нотариал архивларга қабул қилиб олинишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг ЯИДХПга уланишини таъминлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарорига
1-илова

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини
ташқил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (кейинги ўринларда нотариус деб аталади) фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан қафолатланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

3. Нотариус фаолиятини лицензиялаш, нотариусни ҳисобга қўйиш ва уни ҳисобдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия бошқармалари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

4. Нотариус ҳисобга қўйилганидан сўнг адлия бошқармалари бу ҳақда шу қуннинг эртасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг (кейинги ўринларда Нотариал палата деб аталади) тегишли ҳудудий бошқармасига хабарнома юборади. Хабарнома Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига тушган пайтдан эътиборан нотариус Нотариал палатанинг аъзоси бўлади ва нотариус мақомига эга бўлади.

5. Нотариус юридик шахс ташқил этмасдан фаолият юритади, банкда ҳисобварақ очади, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, иш фаолиятини ташқил этиш учун мутахассислар ёки юридик шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. Нотариус ўзининг фаолиятини бошлашдан олдин ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилдириши шарт.

7. Нотариус фаолият юритадиган бино нотариал округи доирасида жойлашган бўлиши шарт.

8. Нотариуснинг номида “хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус” сўzlари бўлиши, тегишли туман, шаҳар кўрсатилиши лозим.

Мисол учун: “Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ашуров Дилшод Рустамович”.

9. Нотариуснинг мухри Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона намунага мувофиқ тайёрланади.

Нотариус ўз мухрининг эскизини келишиш учун адлия бошқармаларига тақдим этади.

Нотариус мухрининг эскизи Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 августдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрлар ва ҳужжатлар бланкаларини тайёрлаш, фойдаланиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибига мувофиқ кўриб чиқилади ва натижаси ҳақда нотариусга хат берилади.

10. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариуслар давлат нотариал идораси нотариуси билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади ва бир хил мажбуриятларни зиммасига олади. Улар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

2-боб. Нотариус ходимлари

11. Нотариус стажёр, ёрдамчи, котиб, шунингдек, нотариал фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ходимларга (таржимон, оператор, курьер ва бошқа) эга бўлиши мумкин.

Нотариус ўзининг ходимларини лавозимга тайинлашда ва лавозимдан озод қилишда мустақилдир, ушбу Низомнинг 12 ва 13-бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Нотариус ўзининг иш ва дам олиш вақтини мустақил белгилайди.

Нотариус ходимларнинг меҳнат фаолиятини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан ташкил этади.

Нотариус ходимлар ҳақидаги маълумотни уларни ишга қабул қилгандан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этиши лозим.

12. Нотариус стажёрини ишга қабул қилиш Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси тавсиясига асосан бириктирилган нотариус томонидан амалга оширилади. Нотариус томонидан нотариус стажёрини ишга қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан нотариус ёрдамчисини ишга қабул қилишни рад этишга номзоднинг

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгиланган талабларга мос келмаслиги асос ҳисобланади.

Стажировка нотариал идорада ўталади. Нотариус стажёри ўз фаолиятини нотариус раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади.

Стажёрга раҳбар этиб нотариуслик лавозимида камида уч йил ишлаган нотариус тайинланади. Бунда бир нотариусга навбат асосида ва қоида тариқасида битта стажёр бириктирилади.

Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Нотариал палата билан биргаликда белгиланади.

13. Нотариус ёрдамчисини ишга қабул қилиш Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда нотариус томонидан амалга оширилади.

Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан нотариус ёрдамчисини ишга қабул қилишни рад этишига номзоднинг Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгиланган талабларга мос келмаслиги асос ҳисобланади.

14. Нотариус Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда ходимларининг вазифалар тақсимотини белгилаб бериши мумкин.

3-боб. Нотариал фаолият ва уни молиялаштириш

15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ва техник тусдаги хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият нотариал фаолият ҳисобланади.

Нотариус нотариат соҳасида давлатнинг функциясини амалга оширувчи шахс сифатида оммавий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ҳисобланади.

16. Нотариал ҳаракатлар “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) орқали амалга оширилади.

Нотариус Тизимдан фойдаланганлиги учун ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан тузилган шартнома асосида базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида тўлов тўлайди.

Нотариусларнинг Тизимдан фойдаланиш ҳамда унга уланиши учун қўйиладиган техник ва дастурий талаблар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги

сиёсати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Нотариуслар Тизимдан фойдаланишда қуйидагиларга мажбур:

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларнинг шахсини аниқлашни замонавий усуллардан (бармоқ изларини сканер қилиш ва уларни паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатидаги) биометрик маълумотлар билан солиштириш) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

нотариал ҳаракатларни Тизимда мажбурий қайд этиш;

Тизимга нотўғри ва хато маълумотлар киритилишига йўл қўймаслик.

18. Нотариус ўз фаолиятини мустақил молиялаштиради.

19. Нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божининг қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариусларда қоладиган қисми ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги хизматлар кўрсатганлик учун ундириладиган пул маблағлари (кейинги ўринларда нотариус томонидан ундириладиган тушумлар деб аталади) унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

20. Нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи белгиланган тартибда тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига қирим қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда тақсимланади.

21. Шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш учун Нотариал палатанинг ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармаларига нотариуслар билан боғлиқ зарур маълумотлар (нотариуснинг тўлиқ номи, почта манзили, лицензияси ва банк реквизитлари)ни туман ва шаҳарлар бўйича тасдиқланган ҳолда тақдим этади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармалари нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божини автоматик равишда тақсимлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нотариуслар учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларини тақдим этади.

Нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги хизматлар кўрсатганлик учун ундириладиган пул маблағлари тўғридан-тўғри уларнинг банкдаги ҳисоб варақларига туширилади.

22. Нотариус томонидан ундирилган тушумлар давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар тўланганидан сўнг нотариуснинг тасарруфига ўтади.

4-боб. Нотариусларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

23. Адлия бошқармалари заруратга қараб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариусларнинг фаолиятини ташкил этишда:

жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилишлари учун қулай бўлган жойлардан нотариусларга зарур бино ва иншоотлар, шунингдек, бундай бино ва иншоотларни қуриш учун ер участкалари ажратилишига кўмаклашади;

нотариусларнинг Тизимга уланиши ва ундан фойдаланишини таъминлайди;

нотариусларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

нотариусларнинг хорижий мамлакатларда тажриба алмашишига ёрдам беради.

5-боб. Нотариал округ

24. Нотариал округ – бу Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳисобга олинган ҳолда ташкил этиладиган нотариал идоранинг ҳудуди.

25. Ҳар бир туман (шаҳар) ҳудуди битта нотариал округ ҳисобланади. Нотариал округ номи туман (шаҳар) номи билан аталади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар туман (шаҳар)лари ва Тошкент шаҳар туманлари ҳар бири алоҳида нотариал округ ҳисобланади.

26. Нотариуслар нотариал округ доирасида фаолият кўрсатиш ҳудудини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

27. Жисмоний ва юридик шахс нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақли, Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 37, 51, 52, 59, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган нотариал ҳаракатлар бундан мустасно.

Нотариус нотариал ҳаракатларни ўз иш жойидан бошқа жойда фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга ошириши мумкин.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлмайди.

Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда нотариус васиятномани ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқиб тасдиқлаши мумкин.

6-боб. Нотариус фаолият юритадиган бино

28. Нотариус фаолият юритадиган бино (кейинги ўринларда бино деб аталади) нотариусга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим.

Ушбу бинога эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли (ёки уларнинг нусхаси) нотариусда сақланиши лозим.

Бино нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат этувчи шахсларнинг эркин киришини таъминлайдиган жойда жойлашиши керак.

29. Бинода фуқароларнинг нотариус ҳузурига кириши, нотариал ҳаракатлар махфийлиги, нотариал иш юритиш ҳужжатлари, материаллари ва нотариал архивнинг бут сақланиши, тўловларни қабул қилиш, аудио- ва видеода қайд этиш учун шарт-шароитлар таъминланиши лозим.

30. Нотариус ўз фаолиятини фақат битта бинода амалга оширади.

Икки ёки ундан ортиқ нотариуслар ўз фаолиятини амалга ошириш учун битта бинода жойлашиши мумкин.

31. Қуйидагилар нотариус фаолиятини ташкил этиш учун минимал талаблар ҳисобланади:

бино нотариус иш фаолиятини амалга оширадиган нотариал округ ҳудудида жойлашган бўлиши;

бинода ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсқинликсиз кириши учун шароитлар (пандус, лифт) мавжуд бўлиши;

бино кўриқлаш (темир панжара ёки камера ва сигнализация ёхуд кўриқчи) ва ёнғин хавфсизлиги тизимига эга бўлиши;

санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш ва ҳужжатлар сақланиши учун махсус жиҳозланган алоҳида хона (архив) мавжуд бўлиши;

нотариуснинг муҳри, штамплари, қатъий ҳисобда турадиган гербли (махсус) бланкалар сақланадиган пўлат сейф ёки темир жавон мавжуд бўлиши;

нотариус ходимларининг фаолият юритиши учун зарур компьютер тўплами ва бошқа техник жиҳозлар (принтер, сканер, люверс, модем қурилмалари, бармоқ изини олиш ускунаси, аудио- ва видеода қайд этиш воситалари) га эга бўлиши;

телефон ва интернет алоқаси билан таъминланган бўлиши;

нотариус лицензиясининг нусхаси, нотариал ҳаракатлар намуналари, талаб қилинадиган ҳужжатлар, нотариал ҳаракат учун тўловлар ва иш тартиби тўғрисида ахборотлар кўрсатилган пешлавҳалар ёки электрон ахборот берувчи воситалар мавжуд бўлиши;

нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини таъминлаш мақсадида нотариус фуқароларни қабул қиладиган хона алоҳида бўлиши ҳамда у табиий ва сунъий ёритиш тизимига эга бўлиши;

нотариус ҳузурида навбатда турган шахсларнинг кутиш хонаси зарур ёруғлик билан таъминланиши, етарли майдонга, ўриндиқ ва мебель жиҳозларига, шунингдек, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва фуқароларнинг кутиши учун зарур предметлар билан жиҳозланган бўлиши. Нотариус қабулини кутиш хонасида нотариал ҳаракатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, ҳужжатлардан нусха олиш мосламаларини ўрнатиш, шунингдек, нотариал архивларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

32. Нотариал архив ҳужжатларини сақлаш учун махсус стеллажлар, жавонлар, сейфлар билан жиҳозланган алоҳида хоналар (архив) ажратилиши, белгиланган талабларга риоя этилиши ҳамда архив ҳужжатлари сақланиши тўғри ташкил этилиши, уларнинг йўқолиши ва ўғирланишини бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Нотариус томонидан архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаш мақсадида бегона шахсларнинг архивга кириб ҳужжатлар билан танишишига йўл қўйилмайди.

33. Бинонинг нотариус фаолиятини ташкил этишга оид минимал талабларга мувофиқлигини текшириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан нотариуснинг иш фаолияти юзасидан комплекс, мақсадли ёки назорат текширувлари ўтказиш вақтида амалга оширилади.

34. Нотариус жойлашган жой ўзгарганда, шу жумладан бинодан фойдаланиш ҳуқуқи муддатидан олдин бекор қилинганда, бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ва Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаларига уч кун ичида хабарнома берилиши лозим.

Хабарномада бино жойлашган жой ва иш тартиби тўғрисида маълумот кўрсатилиши шарт.

35. Нотариус жойлашган бинонинг ташқи томонидан, бинога кириш жойида шу нотариус тўғрисида жойлаштирилган ёки нотариал фаолият билан боғлиқ хизматлар ҳақида шу бино витринасидаги қоғоз ёки электрон ахборот

(пешлавҳа) реклама ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди.

7-боб. Нотариал фаолият устидан назорат

36. Нотариуслар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, нотариал ҳаракатлар махфийлигига ва нотариус қасамёдига риоя қилиниши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда адлия бошқармалари амалга оширади.

37. Нотариуснинг одоб-ахлоқ қоидалари ва касб мажбуриятларига риоя этиши устидан назорат Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳамда Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари тегишли буйруққа асосан нотариусларни камерал, қисқа муддатли ва режали текшириши мумкин.

Нотариал фаолият устидан назорат нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириши билан боғлиқ, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоятлари бўйича ўтказиладиган текширишлар жараёнида амалга оширилади.

39. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари, шунингдек, Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари Тизимдан фойдаланган ҳолда камерал назоратни қуйидаги чора-тадбирларни бажариш орқали амалга оширади:

нотариал ҳаракатлар устидан ахборот тизими орқали онлайн тарзда мониторинг олиб бориш;

тезкор хабар олинган тақдирда нотариал ҳаракатларни тўхтатиб қўйиш;

“СМС” хабарнома юбориш ҳамда идоралараро электрон ахборот алмашиш йўлга қўйилганлигини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал фаолият тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларни умумлаштириш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тегишли давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш мақсадида Тизимни техник таъминлаш ва юритиш учун масъул орган ҳисобланади.

40. Қисқа муддатли текшириш рейди, “Сирли мижоз” тадбирлари ва хизмат текшируви ўтказиш тартибида амалга оширилади.

41. Нотариуслар иш фаолиятида режали текшириш уч йилда камида бир марта ўтказилади. Нотариус иш фаолиятини дастлабки текшириш у иш фаолиятини бошлаганидан бир йил ўтгандан сўнг амалга оширилади.

42. Нотариус фаолиятини текширишда ваколатли шахслар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг нотариус уларга тегишли ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

43. Нотариуснинг фаолиятини текширишга Нотариал палатанинг бошқаруви аъзоларидан бири ёки нотариуслар жалб қилиниши мумкин.

44. Текшириш натижаларига кўра маълумотнома, хизмат текшируви ўтказилганда хулоса тузилади. Текшириш натижалари бўйича тузилган ҳужжатлар нотариусга таништирилади ва бир нусхаси тақдим этилади.

45. Нотариус лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилганда ёки тугатилганда адлия бошқармалари Нотариал палатанинг ҳудудий бошқармалари билан келишган ҳолда ушбу нотариуснинг тугалланмаган нотариал ҳаракатларини амалга ошириш учун бошқа нотариусга ваколат беради ва бу ҳақда тегишли буйруқ расмийлаштирилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

46. Нотариус фаолияти ихтиёрий ёки суд тартибида тугатилади.

47. Фаолияти тугатилган нотариус нотариал фаолиятига оид ҳужжатларни муковаланган, тикилган ва рақамланган ҳолда адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивга икки ҳафтада топшириши шарт.

Нотариус фаолияти тугатилганда унга тегишли муҳр, штамплар ва ишлатилмаган гербли (махсус) бланкалар шу куннинг эртасидан кечиктирмай адлия бошқармаларига топширилиши шарт.

48. Нотариус вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда нотариал фаолиятига оид ҳужжатларни идоравий нотариал архивга топшириш адлия бошқармалари томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

49. Нотариуслар фаолиятини лицензиялаш, нотариусни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш, нотариуслар фаолиятини суғурта қилиш ва улар фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарорига
2-илова

Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб аталади) нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) ишчи органи ҳисобланади.

3. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали комиссия қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

4. Давлат хизматлари марказлари, ишчи орган ва лицензияловчи орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

5. Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қуйидагилар хусусий нотариал фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, Нотариусларнинг касб этикаси қоидаларига, нотариал ҳаракатлар махфийлиги ва нотариус қасамёдига риоя этиш;

Нотариал палатага аъзо бўлиш;

нотариал идора фаолиятини ташкил этишга оид қонун ҳужжатларида белгиланган минимал талабларни бажариш;

нотариал идора ташкил этган нотариал округда камида икки йил ишлаш;

нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш;

ҳар уч йилда камида бир марта ўзининг касбий малакасини ошириш.

7. Лицензия олиш учун талабгор йигирма беш ёшдан кичик ва олтмиш беш ёшдан катта бўлмаслиги, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган бўлиши ҳамда малака имтиҳонини топиши шарт.

Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган шахслар стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этишга ҳақли.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адлия органларининг бошқарув ходими (нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ бўлмаган) ёки адвокат сифатида камида уч йил ишлаган, бироқ ваколат муддати тугатилган вақтдан бошлаб беш йил ўтмаган шахслар олти ой стажировка ўтайди.

8. Хусусий нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

3-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

9. Талабгор давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

10. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил тарзда ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

11. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар электрон тарзда илова қилинади:

олий маълумот тўғрисидаги диплом ёки ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги

ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажини тасдиқловчи “Электрон меҳнат дафтарчаси” тизимидан кўчирма.

Талабгордан ушбу банд ва сўровномада кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек, бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

12. Давлат хизматини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида йиғим ундирилади. Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда йиғимнинг 90 фоизи ундирилади.

13. Давлат хизматларини кўрсатиш учун амалга оширилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

80 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади;

80 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади.

14. Агар сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилган ёки тегишли ҳужжатлар тўлиқ топширилмаган бўлса, лицензияловчи орган мазкур камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга ўн беш кун муддат беради.

Давлат хизмати кўрсатилиши муддатининг ўтиши камчиликларни бартараф этиш вақтида тўхтатиб турилади.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

15. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади.

16. Талабгор Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқланганидан сўнг йигирма дақиқа ичида электрон шаклда комиссияга ўрганиб чиқиш учун юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда комиссияга электрон шаклда юборилади.

17. Комиссия ўн беш иш кунигача бўлган муддатда сўровномада кўрсатилган маълумотларни ўрганиб чиқади.

18. Ўрганиш натижаларига кўра:

талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этишига ушбу Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган рад этиш асослари мавжуд бўлса, комиссия ишчи органи томонидан бу ҳақда хулоса тузилади ва у комиссия раиси томонидан тасдиқланади;

талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиши ушбу Регламент талабларига мувофиқ деб топилганда, комиссия ишчи органи томонидан бу ҳақда хулоса тузилади ва у комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Хулоса комиссия раиси томонидан тасдиқлангандан кейин бир иш кун ичида комиссия масъул котиби томонидан ўзи мурожаат этган тақдирда Давлат хизматлари марказига ёки электрон тарзда мурожаат этган тақдирда ЯИДХП орқали талабгорга юборилади.

19. Қуйидаги асосларга кўра талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиши рад этилади:

талабгор ушбу Регламентнинг 7-банди талабларига жавоб бермаганда;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширмаган ёки имтиҳонга узрсиз сабабларга кўра келмаган ёхуд имтиҳондан четлаштирилган талабгор имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб олти ой ўтмасдан мурожаат қилганда;

ҳужжатларда нотўғри ёки ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда.

Талабгорни бошқа асосларга кўра малака имтиҳонида иштирок этишини рад этилишига йўл қўйилмайди.

Талабгорга малака имтиҳонида иштирок этиш рад этилган тақдирда ҳамда талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда тўланган йиғим қайтарилмайди.

20. Малака имтиҳони талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб топилган хулоса тасдиқланган кундан бошлаб беш кундан сўнг, лекин ўн беш кундан кечиктирмай ўтказилади.

Малака имтиҳони куни ва ўтказиш жойи ҳақида талабгор малака имтиҳони ўтказиладиган кундан камида беш кун олдин хабардор қилинади.

21. Малака имтиҳони ўтказиш куни ва жойи малака имтиҳони ўтказилишидан камида беш кун олдин Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

22. Малака имтиҳони ўтказиш тартиби Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

23. Малака имтиҳонида олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг эллик беш фоизидан юқори балл тўплаган талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширган деб топилади.

Малака имтиҳонини муваффақиятли топширмаган ёки унда узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган ёхуд ундан четлаштирилган талабгорлар малака имтиҳони ўтказилган санадан олти ой ўтгандан сўнг малака имтиҳонида қайта иштирок этишига йўл қўйилади.

24. Комиссия имтиҳон якунлари бўйича, имтиҳон қабул қилинган кунининг ўзида, натижалари маълум бўлганидан сўнг қарор қабул қилади.

25. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор комиссия мажлисида қасамёд қабул қилади ва талабгор тўғрисидаги маълумотлар, қасамёд қабул қилинган сана ва жой баён этилган тегишли ҳужжатни имзолайди.

26. Комиссия қарори бир нусхада тузилади. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорлар бўйича қарордан кўчирма бир иш куни ичида тегишли адлия органига лицензия расмийлаштириш учун юборилади.

27. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали тегишли адлия органига бир ой ичида мурожаат қилиши керак. Ушбу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳонини қайта топширганидан кейингина мурожаат қилиши мумкин.

28. Лицензия бериш ҳақида қарор лицензияловчи орган томонидан уч иш кунида қабул қилинади.

Қарор қабул қилинганидан сўнг уни бериш учун давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган хабарнома лицензияловчи орган электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиб, тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

Давлат хизматлари маркази хабарнома келиб тушганидан сўнг бу ҳақда талабгорни ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

29. Талабгор хабарномани олган кундан бошлаб бир ой ичида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида

белгиланган миқдорида давлат божи тўловини ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширади.

30. Давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда давлат божи суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Лицензия олиш учун давлат божи ундирилганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

31. Давлат божи қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

60 фоизи – Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг махсус ҳисобварағига;

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

60 фоизи – Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

32. Талабгор томонидан лицензияни олиш учун давлат божи тўланганидан сўнг:

лицензияловчи орган бир иш куни ичида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензияни расмийлаштиради ҳамда уни тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон равишда юборади;

Давлат хизматлари маркази лицензия келиб тушган куни талабгорга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) унинг электрон манзилига QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда лицензияни юборади ёки унинг сўровига асосан лицензияни қоғоз шаклда беради.

33. Лицензияни бериш учун давлат божи тўлови белгиланган муддатларда амалга оширилмаслиги лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг бекор қилиниши учун асос бўлади. Бунда талабгор лицензияни олиш учун умумий тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

34. Лицензияловчи орган томонидан ушбу Регламентга 4-иловага мувофиқ электрон шаклда лицензиялар реестри юритилади.

Реестр нотариус мақоми билан боғлиқ бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Лицензияловчи орган “Лицензия” ахборот тизими орқали лицензиялар реестрини юритади.

35. Лицензияни бекор қилиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Талабгорнинг (нотариуснинг) фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда у бир ой муддатда кўрсатилган маълумотларни ва лицензияни қайта расмийлаштириш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида мурожаат қилиши шарт.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади ҳамда йиғим ушбу Регламентнинг 13-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

4-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

37. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни ҳисоб рўйхатига олган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариус томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қиладилар.

38. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари нотариус томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, унинг лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш масаласини кўриб чиқиш ҳақидаги хужжатларни малака комиссияси муҳокамасига киритади.

39. Нотариусга нисбатан тўпланган хужжатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, малака комиссияси лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

40. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида, нотариус лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда, ушбу нотариусни ҳисоб рўйхатига олган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаларига аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берадилар.

5-боб. Якунловчи қоидалар

41. Давлат хизматлари марказлари ва лицензияловчи орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

42. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

43. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

44. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Хусусий нотариал фаолиятини лицензиялаш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талабгор	1. Хусусий нотариал фаолиятини лицензиялаш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш. 2. Йиғимни тўлаш.	1. хоҳишига кўра 2. мурожаат қилинганда
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	Сўровномани Комиссияга юбориш.	1. 20 дақиқа ичида 2. автоматик тарзда
3-босқич	Комиссия	1. Сўровномада кўрсатилган маълумотларни ўрганиб чиқиб, малака имтиҳонида иштирок этишга хулоса тузиш. 2. Имтиҳон ташкиллаштириш. 3. Малака имтиҳони яқунлари бўйича қарор қабул қилиш. 4. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорлар бўйича қарордан кўчирмани лицензияловчи органга юбориш.	1. 15 кунгача бўлган муддатда; 2. хулоса тасдиқланган кундан бошлаб 5 кундан сўнг, лекин 15 кундан кечиктирмай 3. имтиҳон ўтказилган куни 4. 1 иш куни
4-босқич	Лицензияловчи орган	Лицензияни бериш ҳақида қарорни қабул қилиш ва уни давлат хизматлари марказига юбориш.	3 иш куни мобайнида
5-босқич	Давлат хизматлари маркази	Хабарномани талабгорнинг электрон манзилига юбориш ва бу ҳақда талабгорни ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилиш.	қарор қабул қилингандан сўнг
6-босқич	Талабгор	Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорида давлат божи тўловини амалга ошириш.	1 ой мобайнида

7-босқич	Лицензияловчи орган	Давлат божи тўланганидан сўнг лицензияни Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юбориш.	1 иш куни давомида
8-босқич	Давлат хизматлари маркази	Лицензияни талабгорнинг электрон манзилига юбориш ва бу ҳақда талабгорни ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилиш.	лицензия келиб тушган куни

Хусусий нотариал фаолиятини лицензиялаш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI

Xususiy notarial faoliyat
bilan shug'ullanish huquqini beruvchi

LITSENZIYA

Ushbu litsenziya

_____ ga
(familiyasi, ismi, otasining ismi)

berildi.

“Notariat to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasining
Qonuniga muvofiq ushbu litsenziya O'zbekiston Respublikasi
fuqarosiga notarius maqomini olish huquqini beradi.

Ushbu litsenziya O'zbekiston Respublikasining butun hududida
amal qiladi va uning amal qilish muddati cheklanmagan.

Litsenziyani bergan adliya organi _____

Litsenziya berilgan sana 20__ yil “____” _____

Litsenziyalar reyestri bo'yicha tartib raqami

--	--	--	--	--

Seriya _____ № _____

QR-KOD



Хусусий нотариал фаолиятини лицензиялаш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

(сана)

(рақам)

Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича
давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА

I. Талабгор тўғрисида маълумот:

1. Фамилияси, исми, отасининг исми:	
2. ЖШ ШИР:	
3. СТИР:	
4. Фаолиятини амалга ошириш жойи:	
5. Яшаш жойи:	
6. Электрон почта манзили:	
7. Телефон рақами:	
8. Стажировкани тугатганлиги ҳақида маълумотлар (судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган шахсларга татбиқ этилмайди):	
9. Малака имтиҳонини топширганлиги (қайта топширганлиги) ҳақида маълумот:	
10. Мурожаатнинг мақсади:	☐ Янги лицензия олиш ☐ Лицензияни қайта расмийлаштириш

II. Такдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

- Олий маълумот тўғрисидаги диплом ёки ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;
- Меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажини тасдиқловчи “Электрон меҳнат дафтарчаси” тизимидан кўчирма.

Талабгорнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиши тўғрисидаги розилиги:

розиман

рози эмасман

Талабгорнинг имзоси

Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
4-илова

_____ худудида хусусий нотариал амалиёт билан шуғулланиш учун берилган лицензияларнинг
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ

Тартиб рақами	Лицензия олган фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми	Лицензия олган фуқаронинг шахсий идентификация рақами	Лицензия олган фуқаронинг яшаш жойи (лицензия олиш пайтида)	Лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами	Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асоси ҳамда санаси	Лицензиянинг амал қилишини тугатиш асоси ва санаси	Лицензияни бекор қилиш асоси ва санаси	Қўшимча маълумотлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарорига
3-илова

**Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи
нотариусларни ҳисоб рўйхатига олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни ҳисоб рўйхатига олиш (кейинги ўринларда рўйхатга олиш деб аталади) ва ҳисоб рўйхатидан чиқариш тартибини белгилайди.

2. Рўйхатга олиш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ва унинг фаолият кўрсатиш манзили ҳақидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия органлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Рўйхатга олиш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус жойлашган жойдаги адлия органи томонидан амалга оширилади.

**2-боб. Рўйхатдан ўтказиш учун
тақдим этиладиган ҳужжатлар**

4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус нотариал идора ташкил этилган пайтдан эътиборан уч кун ичида адлия органларини бу ҳақда хабардор қилади.

5. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус рўйхатдан ўтказиш учун адлия органига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда хабарнома беради.

Агар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус бошқа нотариал округда нотариал фаолият амалга оширган бўлса, хабарномага адлия органининг рўйхатдан чиқариш ҳақидаги хабарномаси нусхаси илова қилинади.

6. Рўйхатдан ўтказишда ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Рўйхатдан ўтказиш тартиби

7. Адлия органи рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги хабарнома келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни рўйхатга олади ва бу ҳақда Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасини хабардор қилади. Шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нотариал палатанинг аъзоси бўлади ва нотариус макомини олади.

8. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг рўйхатдан ўтганлиги ва унинг фаолият кўрсатиш ҳудуди ҳақидаги маълумотлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидаги электрон реестрига (кейинги ўринларда электрон реестр деб аталади) киритилади.

9. Электрон реестр адлия органи томонидан юритилади.

10. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг лицензияси қайта расмийлаштирилганда адлия органи бу ҳақда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусдан маълумот келиб келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай электрон реестрга ўзгартириш киритади.

Адлия органи хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусга илгари берилган муҳрни олиб қўяди ва йўқ қилади.

Бунда, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус янги муҳр тайёрлангандан сўнг нотариал фаолиятини давом эттиради.

11. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолият кўрсатиш ҳудудида манзилени ўзгарганлиги бўйича адлия органига хабарнома бериши лозим.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус манзиленинг унинг фаолият кўрсатиш ҳудуди доирасида ўзгариши такроран рўйхатдан ўтказишни талаб этмайди.

Бунда, адлия органи хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг янги жойлашган манзили бўйича электрон реестрга тегишли ўзгартириш киритади.

4-боб. Рўйхатдан чиқариш тартиби

12. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нотариал палата аъзолигидан чиқиш ҳақида хабарнома берган кундан бошлаб уч иш кuni мобайнида Нотариал палатанинг ҳудудий бошқармаси бу ҳақда адлия органини хабардор қилади.

13. Хабарнома келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида адлия органи Нотариал палатанинг ҳудудий бошқармаси билан биргаликда қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

охирги уч йил давомида амалга оширилган нотариал ҳаракатлар қонунийлигини текширади;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг муҳрини олиб қўяди ва йўқ қилади;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг ҳужжатларини идоравий нотариал архивга топшириш-қабул қилиш ишларини амалга оширади;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни ҳисоб рўйхатидан чиқариш ҳақида хулоса расмийлаштиради.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни ҳисоб рўйхатидан чиқариш ҳақидаги хулоса асосида адлия органи хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни рўйхатдан чиқаради ва бу ҳақда мазкур нотариусга хабарнома юборади.

14. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги маълумот электрон реестрга киритилади.

15. Адлия органлари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус рўйхатга олинган ва рўйхатдан чиқарилган вақтдан бошлаб икки кун ичида бу ҳақда давлат статистика органларига ва давлат солиқ хизмати органларига хабар берадилар.

5-боб. Яқунловчи қоида

16. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи
нотариусларни ҳисоб рўйхатига олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

(Рўйхатга олишни амалга оширувчи адлия орган номи)

**Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи
нотариусни ҳисоб рўйхатига олиш ҳақида
ХАБАРНОМА**

(хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи нотариуснинг тўлиқ номи)

(фаолият кўрсатиш ҳудуди)

Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи нотариусни ҳисоб рўйхатига
олишингизни сўрайман.

Почта манзили: _____

Почта индекси: _____ Боғланиш телефони: _____

(тўлдирилган санаси ва вақти)

(хусусий нотариал фаолият билан
шуғулланувчи нотариус имзоси)

Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи
нотариусларни ҳисоб рўйхатига олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

_____ бўйича ҳисоб рўйхатига олинган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг
(худуд номи)

ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ

Тартиб рақами	Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи нотариуснинг Ф.И.О.	Паспорт серияси ва рақами	Лицензиянинг рақами ва берилган санаси	Нотариал палатага аъзо бўлган сана	Ҳисоб рўйхатига олинган сана	Фаолият юретиш ҳудуди	Бино жойлашган ҳудуд (почта манзили)
1	2	3	4	5	6	7	8

давоми

Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи нотариуснинг яшаш манзили	Нотариал палатанинг аъзолигидан чиқарилган сана	Ҳисоб рўйхатидан чиқарилган сана	Ёзув киритган шахснинг Ф.И.О. ва лавозими	Нотариуснинг муҳри ва имзо намунаси
9	10	11	12	13

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарорига
4-илова

**Нотариал округдаги нотариуслар лавозимларининг
энг кам сонини белгилаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Нотариал округдаги нотариуслар лавозимларининг энг кам сонини белгилаш билан боғлиқ муносабатларини тартибга солади.

2. Нотариал округда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар сони тегишли нотариал округда нотариуслар лавозимларининг белгиланган энг кам сонидан кам бўлган тақдирда давлат нотариал идораси нотариуси лавозимлари таъсис этилади.

3. Нотариал округда нотариуслар лавозимларининг энг кам сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Нотариал округда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар сони чекланмаган миқдорда ташкил этилиши мумкин.

**2-боб. Нотариал округда нотариуслар
лавозимларининг энг кам сонини белгилаш мезонлари**

5. Ҳар бир нотариал округда камида битта нотариус фаолият юритиши шарт. Нотариал округда нотариуслар лавозимларининг энг кам сонини белгилашда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

а) нотариал округ нотариуслари томонидан, коида тариқасида, охириги уч йилда амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг ўртача ойлик сони. Бунда нотариуслар сони бир нотариусга бир ойда 300-400 нотариал ҳаракатлар ҳисобидан келиб чиккан ҳолда белгиланади;

б) нотариал округдаги аҳоли сони. Бунда нотариуслар лавозимлари сони қуйидаги тарзда белгиланади:

Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари чегараларида белгиланган нотариал округларда – 10 мингдан кўп бўлмаган аҳолига бир нотариус;

вилоят бўйсунушидаги шаҳарлар чегараларида белгиланган нотариал округларда – 25 мингдан кўп бўлмаган аҳолига бир нотариус;

қишлоқ туманлари чегараларида белгиланган нотариал округларда – 30 мингдан кўп бўлмаган аҳолига бир нотариус.

3-боб. Нотариал округда нотариуслар лавозимлари сони тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш тартиби

6. Нотариал округда нотариуслар лавозимларининг энг кам сони белгилаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан ушбу Низомнинг 5-банди талабларидан келиб чиқиб киритилади.

Таклифларга қуйидагилар илова қилинади:

охирги уч йилда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар сони;

аҳоли сони;

нотариал идораси таъминоти харажатларини қоплаш имконияти;

нотариал округда нотариуслар лавозимларининг энг кам сони тўғрисидаги таклифни асослайдиган бошқа маълумотлар.

7. Нотариал округда нотариуслар лавозимларининг энг кам сони тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқиладиган ва белгиланади.

4-боб. Давлат нотариал идораларида бошқа лавозимларни жорий этиш нормативлари

8. Давлат нотариал идораларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қарори билан нотариуснинг ёрдамчиси, нотариуснинг стажёри, нотариуснинг котиби ва архивариус лавозимлари жорий этилиши мумкин.

Адлия вазири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божидан ажратмалар ва нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун тушумлар ҳисобидан давлат нотариал идораларида қўшимча таржимон, оператор, курьер ва аҳолига нотариал ва у билан боғлиқ комплекс хизматларни кўрсатиш учун бошқа ишчилар штат бирлигини киритиши мумкин.

9. Ҳар бир давлат нотариал идораси нотариус лавозимига камида бир бирлик нотариус ёрдамчиси ва бир бирлик нотариус котиби лавозимлари жорий этилади.

10. Давлат нотариал идоралари стажёрлар ва архивариуслар сони ҳар бир лавозим бўйича республикадаги давлат нотариал идоралари нотариуслари умумий сонининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

11. Ёрдамчи ходим лавозимлари сони (ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилганлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари учун белгиланган нормативларга мувофиқ белгиланади.

5-боб. Яқунловчи қоида

12. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2010 йил 5 майдаги ПФ–4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2010 йил 2 июндаги 104-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 25-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонуни)” 2011 йил 23 февралдаги 46-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 14-модда) илованинг 4-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг нотариат фаолиятини ташкил этишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2012 йил 10 апрелдаги 105-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 24-модда) илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида” 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда “Солик ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонуни)” 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1-илованинг 100-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 23 декабрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 52-сон, 603-модда) 1-банднинг “а” кичик банди ва илованинг 2-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарори)” 2017 йил 24 октябрдаги 873-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 43-сон, 1094-модда) илованинг 5 ва 13-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 15 февралдаги 124-сон қарорига 2-илова.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори)” 2018 йил 9 августдаги 638-сон қарорига илованинг 8 ва 14-бандлари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон қарори)” 2018 йил 26 сентябрдаги 767-сон қарорига илованинг 5-банди.

